

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Мирзаев Отабек Давронович

*Анджон иқтисодиёт ва қурилиш институти катта ўқитувчиси
Анджон, Ўзбекистон. otabek.mirzayev.2024@mail.ru*

ORCID: <https://orcid.org/0009-0000-1982-5801>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss1/i17

Аннотация

Саноат корхоналарида трансформациялаш жараёнларини ўтказиш ҳозирги кундаги долзарб бўлган вазифалардан биридир. Трансформациялаш жараёнлари саноат корхоналарини жадаллик билан ривожланиш омили, шунинг учун бу жараёнга республика ҳукумати томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Саноат корхоналарини трансформациялаш жараёнлари бўйича маҳаллий ва хорижий олимларнинг назарий ёндашувлари ўрганиб чиқилган ва ушбу ёндашувлардан келиб чиқиб, саноат корхоналарини трансформациялаш жараёнини усулбий асослари шакллантирилган. Мақолада асосан тадқиқотнинг анализ ва синтез, тизимлаштириш ҳамда график тасвирлаш усулларида фойдаланилди. Саноат корхоналарида трансформация жараёнлари бўйича аниқ стратегияларни ишлаб чиқиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, трансформация жараёнлари узлуксиз мониторинг қилиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш муаллиф томонидан тавсия этилган.

Калит сўзлар: саноат корхоналари, трансформациялаш жараёнлари, тузилмавий (структуравий) трансформациялаш, мулкый трансформациялаш, жараёнли трансформациялаш, кадрларга оид трансформациялаш, рақамли трансформациялаш, ESG-трансформация.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ ПРОЦЕССА ТРАНСФОРМАЦИИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Мирзаев Отабек Давронович

*Анджанского института экономики и строительства. Старший преподаватель
Анджан, Узбекистан.*

Аннотация

Проведение трансформационных процессов на промышленных предприятиях является сегодня одной из наиболее актуальных задач. Трансформационные процессы являются фактором бурного развития промышленных предприятий, поэтому правительство республики уделяет этому процессу особое внимание. Изучены теоретические подходы отечественных и зарубежных ученых к процессам трансформации промышленных предприятий и на основе этих подходов сформированы методологические основы процесса трансформации промышленных предприятий. В статье преимущественно использованы методы исследовательского анализа и синтеза, систематизации и графического представления. Было рекомендовано создать рабочую группу по разработке конкретных стратегий трансформационных процессов на промышленных предприятиях, повышению

потенциала персонала, постоянному мониторингу трансформационных процессов.

Ключевые слова: промышленные предприятия, трансформационные процессы, структурная (структурная) трансформация, трансформация собственности, процессная трансформация, кадровая трансформация, цифровая трансформация, ESG-трансформация.

METHODOLOGICAL PRINCIPLES OF THE PROCESS OF TRANSFORMING INDUSTRIAL ENTERPRISES

Mirzaev Otabek Davronovich

Andijan Institute of Economics and Construction. Senior Lecturer Andijan, Uzbekistan.

Abstract

Carrying out transformation processes in industrial enterprises is one of the most urgent tasks today. Transformation processes are a factor of rapid development of industrial enterprises, therefore, the government of the republic pays special attention to this process. In this article, the theoretical approaches of domestic and foreign scientists to the processes of transformation of industrial enterprises were studied, and on the basis of these approaches, the author formed the methodological foundations of the process of transformation of industrial enterprises. The article mainly used methods of research analysis and synthesis, systematization and graphic representation. The author recommended the creation of a working group on the development of specific strategies for transformation processes in industrial enterprises, increasing the potential of personnel, continuous monitoring of transformation processes.

Key words: industrial enterprises, transformation processes, structural (structural) transformation, property transformation, process transformation, personnel transformation, digital transformation, ESG transformation.

Кириш

Саноат корхоналарида трансформациялаш жараёнларини ўтказиш хозирги кундаги долзарб бўлган вазифалардан биридир. Шунинг учун бу жараёнга республика ҳукумати томонидан алоҳида эътибор берилиб, ислохотлар ўтказилмоқда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармонида [1] корхоналарни трансформация қилиш жараёнлари билан биргаликда улар фаолият юритадиган соҳада бозор муносабатлари тамойилларига тўлиқ ўтиш, рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда хусусий секторни жалб қилиш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқилиши белгиланган. Саноат корхоналарини трансформациялаш энг аввало соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ва сонини ошириш билан бирга унинг рақобатбардошлигига ҳам ижобий таъсир этади. Саноат корхоналарида трансформациялаш жараёнларини ўтказиш ходимларни интеллектуал салоҳиятини оширибгина қолмай, балки корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ҳам таъминлайди. Натижада, саноат корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳажми ёки хизматлар кўрсатиш бўйича фаолияти янада ортади. Пировардида, республика даражасида иқтисодий ўсишга эришилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Саноат корхоналарини трансформациялаш жараёнининг услубий асосларини тадқиқ этиш корхонани трансформациялашнинг қандай турлари мавжудлигини ҳамда трансформациялаш жараёни қандай босқичлар асосида амалга оширилишини тушунишга ёрдам беради.

Турли хорижий ва маҳаллий олимлар трансформация жараёнларининг услубий

асослари ишлаб чиқилган. Жумладан, Ғ.Ибрагимов[2] озиқ-овқат саноати корхоналарида қўлланиладиган трансформация жараёнини технологик трансформация, хўжалик муносабатлари тизими трансформацияси, мулкый муносабатлар тизими трансформацияси, рақамли трансформация, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги муносабатлар трансформацияси, кадрлар тайёрлаш тизимининг трансформацияси турларига бўлиб чиққан бўлиб, трансформация жараёнларини амалга оширишда ушбу трансформациялаш турларини амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги таъкидлаб ўтган (1-жадвал).

1-жадвал

Озиқ-овқат саноати корхоналарида қўлланиладиган трансформация турлари ва уларнинг мазмуни [3]

Трансформация турлари	Мазмуни
технологик трансформация	маҳаллий хом ашёдан ярим тайёр маҳсулотларни, шу жумладан органик синтез ва нанотехнологиялар орқали ишлаб чиқаришнинг янги қувватлари негизида хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган кўп поғонали қўшилган қиймат занжирларини яратиш. Бунда, қайта ишланмаган хом ашё ресурсларини мамлакат ҳудудида чуқур қайта ишлашни ташкил этиш орқали уларни хом ашё сифатида экспорт қилинишини босқичма-босқич қисқартириш
хўжалик муносабатлари тизими трансформацияси	қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар билан озиқ-овқат саноати корхоналари ўртасидаги муносабатлар соҳасида давлат томонидан аралашувга чек қўйиш ва эскича режа-тақсимлаш тизимидан батамом воз кечиш
мулкый муносабатлар тизими трансформацияси	соҳада янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга хусусий капитални, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали корхоналарда давлат улушини кескин камайтириш ва озиқ-овқат саноати корхоналарини хусусийлаштириш, шунингдек, корхоналар фаолиятига давлат ҳокимияти органлари аралашувининг олдини олиш
рақамли трансформация	молиявий, моддий ва кадрларга оид ресурслар ҳаракатини бошқариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни маркировкалаш, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш тизимларини жорий этиш учун соҳага замонавий рақамли технологиялар билан ишловчи дастурий таъминот тизимларини татбиқ этиш
илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги муносабатлар трансформацияси	инновация жараёнларини ташкил этиш, замонавий технологияларни трансфер қилиш бўйича илғор хорижий тажрибалар асосида фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги тизимини йўлга қўйиш
кадрлар тайёрлаш тизимининг трансформацияси	соҳада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, мавжуд ва янги барпо этиладиган ишлаб чиқариш қувватларини юқори малакали маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан таъминлаш

Россиялик олим Л.Стеблякова[4] ўзининг тадқиқот ишида трансформация жараёнларининг эволюцион (тинч йўл билан), реформацион (модернизация қилиш орқали) ва революцион (инқилобий) турларини алоҳида кўрсатиб ўтган. Унинг

фикрича, Эволюцион трансформация – бу ўз-ўзини ривожлантиришнинг узлуксиз жараёни бўлиб, унинг манбаи тизимнинг ўзида бўлиб, бутун тизимни ўз ичига босқичма-босқич қамраб олади. Объектив равишда юзага келадиган қарама-қаршиликларни иқтисодий кучлар ҳаракати орқали ҳал қилиш асосида тизим яхлитлигини ўрнатади; бу аста-секин амалга ошадиган силлиқ жараён бўлиб, турли ўткир сакрашлар ёки иккиланишлар билан боғлиқ эмас. Ислохотлар орқали (эволюцион) трансформациялаш жараёнлари - бу ҳукумат томонидан амалга оширилган ислохот (модернизация) трансформацияси бўлиб, бунда олиб бориладиган ислохотлар ҳукумат томонидан олиб бориладиган ташаббуси билан тизим параметрларининг салмоқли қисмини унинг қолган асосий хоссалари доирасида ўзгартиришни назарда тутди. Ислохот даврида иқтисодий тизимларда эски тизимнинг асосларини ўзгартирмаган ҳолда унинг самарадорлигини ошириш мақсадида фақат алоҳида элементлар тузатилади. Шунинг учун ислохотни трансформациялаш жараёнларининг яширин босқичи сифатида кўриш мумкин. Турли даражадаги чуқурликка эга бўлган ислохотлар кейинчалик юқори сифатга эришиш учун шароит яратади, тизимнинг дегенерацияси, шунинг учун эволюцион жараёнлар мантиғига сезиларли даражада мос келадиган реформация трансформацияси ҳақида гапириш мантиқан уларни тезлаштиради. Инқилобий (Революцион) трансформация эски тизимни "олиб ташлаш" ва тезлаштирилган, инқилобий режимда янгисини шакллантиришни ўз ичига олади. Инқилобий ўзгаришлар аввалги иқтисодий ва ижтимоий тузилмаларни йўқ қилиш билан боғлиқ сиёсий ва ҳукумат кучларининг фаол иштирокида янгиларини яратиш тақозо этади.

Яна бир Россиялик олим Н. Багрецовнинг[5] фикрига кўра, трансформация тизимнинг асосий таркибий қисмларига, яъни тузилма, ташкилий шакл, харажатлар, ходимлар сони ва сифати, активларнинг техник даражаси ва бошқаларга муайян таъсир кўрсатиши мумкин бўлган янги жараёнлар, активлар ва функцияларни сотиб олишни ёки эскисини алмаштиришни ўз ичига олади. Ижтимоий-техник тизимларнинг трансформация жараёнига икки турдаги жараёнларни киритиш мумкин: фирма ичидаги консолидация ва фирмалараро интеграция. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти жараёнларини амалга ошириш ривожланишнинг муайян институтлари ва принциплари шароитида амалга оширилади. Ташқи ва ички муҳит таъсири остида "Корхона" тизимини трансформация қилишнинг чуқур инновацион жараёни содир бўлади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу тадқиқотда анализ ва синтез усулидан фойдаланилди. Ушбу усулнинг моҳиятини шундан иборатки, анализ - бу нарса ёки ҳодисани унинг таркибий қисмларига ақлий бўлиниши, яъни улардаги алоҳида қисмлар, хусусиятлар ва хусусиятларни аниқлаш, синтез эса алоҳида элементлар, қисмлар ва хусусиятларнинг бир бутунга ақлий бирикмасидир. Анализ ва синтез бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, билиш жараёнида бир-бири билан бирликда бўлади. Анализ ва синтез уларнинг бирлигидагина воқелик ҳақида тўлиқ ва ҳар томонлама билим беради. Анализ алоҳида элементлар ҳақида билим беради, синтез эса анализ натижаларига асосланиб, бу элементларни бирлаштириб, яхлит объект ҳақида билим беради.

Шунингдек, тадқиқотда тизимлаштириш усулдан ҳам фойдаланилди. Мазкур усулнинг моҳиятини шундан иборатки, тизимлаштириш маълум хусусиятлар

(параметрлар, мезонлар) бўйича бир ҳил бўлган бирликлар гуруҳларини улар ўртасидаги ўзаро мавжуд алоқалар ва (ёки) ташқи дунё билан тўлдирувчи алоқалар асосида функционал мақсадлар учун маълум бир иерархик бирликка қисқартириш тартиби бўлиб ҳисобланади. Ушбу усулдан фойдаланиб, саноат корхонасини трансформациялашнинг турли турлари аниқланди ва улар тизимлаштирилди.

Ушбу тадқиқотда бундан ташқари, график тасвирлаш усулидан ҳам фойдаланилди. График тасвирлаш усулининг моҳияти шундан иборатки, бу чизиқлар, нуқталар, геометрик шакллар ва бошқа белгилар ёрдамида анъанавий тасвирларни кўрсатиш ҳисобланади. Бу усул ёрдамида, биз саноат корхоналарини трансформациялашнинг турлари ва босқичларини схемаларда тасвирлашга ҳаракат қилдик.

Таҳлил ва натижалар

Саноат корхоналарини трансформациялашдан асосий мақсад, ҳозирги даврдаги ҳалқаро миқёсда тақдим этилаётган миллий корхоналарнинг тайёр маҳсулот ва хизматларнинг сифат салоҳияти янада ошириб бориш, бунинг натижасида саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Шунинг учун саноат тармоқларида трансформациялаш жараёнларини олиб бориш зарур.

Саноат корхоналарини трансформациялашнинг назарий ёндашувларни ўрганиш бўйича тадқиқот олиб бориш ҳамда уларни умумлаштириш бизга корхонани трансформациялашнинг қуйидаги турларини аниқлашга имкон берди:

- тузилмавий (структуравий) трансформациялаш;
- мулкӣ трансформациялаш;
- жараёнли трансформациялаш;
- кадрларга оид трансформациялаш;
- рақамли трансформациялаш;
- ESG-трансформация (1-расм)



1- Расм. Саноат корхоналарини трансформациялаш турлари
Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Қуйида корхонани трансформациялаш турларининг моҳиятини алоҳида кўриб чиқамиз.

Тузилмавий (структуравий) трансформациялаш. Тузилмавий (структуравий) трансформация саноат корхоналаридаги ресурсларни бирламчи сектордан ишлаб чиқариш секторига кенг кўламда ўтказишни ўз ичига олган корхона иқтисодиётидаги жиддий ва сезиларли ўзгаришлар жараёнидир. Саноат корхоналарини тузилмавий трансформациялаш асосий тармоқлар ўртасидаги иқтисодий фаолиятни қайта тақсимлаш орқали амалга оширилади.

Тузилмавий трансформация таркиби саноат тармоқларининг тизимли сифатини акс эттиради, бу айниқса кескин ўзгаришлар даврида муҳим аҳамиятга эга бўлиб унинг ўзини ўзи ислоҳ қилиш ва ўз-ўзини ривожлантириш субъекти сифатидаги қобилияти хисобланади [6]. Бу орқали саноат корхонасининг келажакдаги тузилмавий трансформацияси қуйидагича тасвирланади:

Биринчидан, ишлаб чиқариш ва логистика занжирларининг узилиши, мавжуд захираларнинг тугаши, импорт қилинадиган асбоб-ускуналарнинг ишдан чиқиши, янги етказиб берувчилар ва муқобил етказиб бериш йўллари излаб топиш;

иккинчидан, айрим ишлаб чиқариш ва мантиқий занжирлар бутунлай парчаланади, қолган занжирлар қайта форматланади (янги контрагентлар, маршрутлар ва бошқалар), воситачи ва хизмат кўрсатувчи компанияларнинг роли ошади;

учинчидан, иқтисодиётнинг “тескари саноатлашуви” содир бўлади, яъни асосий технологияларни импорт ўрнини босиш зарурати ҳисобига ялпи ички маҳсулотдаги саноат улушининг ўсиши, гарчи пастроқ даражада бўлса ҳам технология ва бизнес жараёнларни рақамлаштириш;

тўртинчидан, таркибий қайта қуришни яқунлаш ва олдинги технологик даражаларга қайтиш кутилмоқда [7].

Саноат корхонасини тузилмавий жиҳатдан трансформациялаш жараёнидан ўтказмасдан туриб, унинг ташкилий-ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштириш мумкин эмас.

Корхонани тузилмавий трансформациялаш жараёни даврида уни қайтадан тикланиш ҳолатига ўтказиш асосий иқтисодий самарадорликни шакллантиришни назарда тутаяди. Инновацион иқтисодий тизим ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш шунингдек, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган фаолият ва жалб этилган инвестициялар эса рентабеллик таъминлайди [8].

Юқоридагиларни тизимлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни жалб қилиш;
- кадрлар интеллектуал салоҳиятини ошириш;
- рақобатбардошлар маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш
- маҳсулотларни экспорт салоҳиятини ошириш зарур бўлади.

Мулкий трансформациялаш. Мулкий трансформациялаш кенг маъноли бўлиб, мулкни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини, турли даражада мураккаблик жараёнларига эга бўлган қисқа ва узоқ муддатли ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда унинг ўзгаришининг доимий жараёни. Бу мулкий муносабатларни ўзгартиришнинг тарихий узлуксиз жараёнидир [9].

Макродаражада мулкий трансформациялаш ўтиш иқтисодиётида

қўйидагиларни қамраб олади:

1. Мулкларни рўйхатини ўз ичига олган бир қатор ҳуқуқий ва иқтисодий ўзгаришларни рўйхатга олиш;

2. Илгари мавжуд бўлган омилларни тўздан такомиллаштириш орқали мулкнинг трансформациялаш жараёнини амалга ошириш [10].

Мулкчилик шакллари трансформациялаш жараёни мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш, мулкчилик шакллари ўзгартириш ёки мулк ҳуқуқини қайта тақсимлаш жараёни билан боғлиқ бўлган муносабатларни ўз ичига олади. Мулкнинг трансформациянинг асосий мақсади мулкчилик шакллари хилма-хиллигини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишни назарда тутди. Бу эса ўз навбатида миллий иқтисодиётда рақобатдордош маҳсулотларнинг сонини ва сифатини кўпайтиришга имкон беради.

Мулкчилик шакллари трансформациялаш ва хусусийлаштириш жараёни корхонанинг мулкчилик ҳуқуқий шаклини оддий ўзгартириш билан боғлаш мумкин эмас. Бу ўз навбатида интенсив ва кўп вақт талаб қиладиган жараён. Мулкнинг трансформациянинг ҳозирги кундаги ўзгариши қўйидаги сабабларга кўра юзага келади:

- давлат ва муниципал мулкни хусусийлаштиришни давом эттириш;
- хусусийлаштирилган мулкни миллийлаштириш;
- мол-мулкни ижарага олиш, сотиб олиш ва сотиш;
- корхоналарни қўшилиш, бўлиниш ёки ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этиш;
- янги давлат ва хусусий корхоналар ташкил этиш яратилган ёки берилган мулк;
- акциялар ва қимматли қоғозларни иккиламчи сотиш корхоналар;
- давлатнинг банкротлик жараёнлари ва хусусий корхоналар;

Жараёнли трансформациялаш. Жараёнли трансформация сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий тизимларнинг қадрият ўзгариши бўлиб, унинг мақсади демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, инсон-жамият-давлат муносабатларини инсонпарварлаштиришдир. Ҳозирги даврда саноат корхоналарининг жадаллик билан ривожланиши бўйича аниқ белгиланган кўрсатмалар керак, шу учун трансформация жараёнининг моҳиятини назарий ўрганиш ва саноат иқтисодиёти учун унинг тегишли мезонларини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Трансформация жараёни тизимларнинг сифат жиҳатидан ўзгартириш жараёнининг чуқурлиги нуқтаи назардан ҳам тавсифланиши керак [11]. Б.Чаванснинг таъкидлашича, “трансформация жараёнлари тўб ўзгаришларни ўз ичига олади. Ўрни “сиёсий режим, мулкчилик шакллари, мувофиқлаштириш механизмлари” шаклларида. Юқоридаги ҳолларда трансформация жараёни дискрет жараён сифатида қаралади [12].

В.Н. Кириченконинг фикрича, биринчи навбатда, ижтимоий ва иқтисодий ёки алоҳида тизимлар трансформация жараёнларнинг узлуксизлигидан келиб чиқади. Уларда:

1. “Горизонтал” бўйлаб ривожланишида тизимнинг миқдорий характеристикалари ўзгаради.

2. “Вертикал” бўйлаб ривожланишида эса асосан сифат хусусиятлари ўзгаришини ажратиб кўрсатади.

Трансформация жараёнларининг объектив ва субъектив томонлари бўлиб, объектив жараёни сиёсат томонидан белгиланса, субъектив томони эса фаолият амалга ошиши билан рағбатлантирилади ва мустақамланади" [13].

Трансформация жараёни тизимни сифат жиҳатидан ўзгартиришнинг доимий жараёни бўлганлиги сабабли, мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш босқичлари ўзгариб туради.

Трансформация жараёнинг корхона фаолиятининг ўзгариш механизмини ва ўзгариш тенденциясини белгилайдиган бир босқичдан иккинчи босқичга ўтайдиган механизмини ўз ичига олиши керак. Шунинг учун трансформация қонунлари иқтисодий тизимнинг ҳаракат қонунлари ҳисобланади [11].

Кадрларга оид трансформациялаш. Кадрларга оид трансформация бутун саноат корхонасининг глобал қайта тузилиши эмас. Ходимлар бўлими менежерларининг функциясини ривожлантиришга, одамларни стратегия, жараёнлар, технологиялар ва бизнес мақсадлари билан яхшироқ мослаштиришга айлантирилиши зарур бўлишидир.

Кадрларга оид трансформацияни амалга оширишда корхона бошқарув аппаратининг кадрлар захирасига таъсир қилиш даражасига қараб бир неча турларга бўлиш мумкин:

1. Пассив кадрлар сиёсати. Ушбу сиёсат корхона томонидан ходимларга нисбатан аниқ ҳаракатлар дастури билан тавсифланади ва кутилмаган салбий ҳодисаларни бартараф этишга қаратилган. Ходимлар бўлими хизмати прогноз қилмайди. Кадрларга бўлган эҳтиёж ва ходимларни баҳоламайди.

2. тезкор кадрлар сиёсати. Бундай кадрлар сиёсати билан корхона салбий ҳодисаларнинг ривожланиши аломатларини назорат қилади ва низоли вазиятларни ҳал қилади. Ушбу сиёсат билан ходимларни бошқариш хизмати мавжуд вазият баҳолайди ва ходимларни тақсимлайди.

3. Профилактик кадрлар сиёсати. Ушбу сиёсат корхона раҳбарияти вазиятнинг ривожланиши тўғрисида прогноз маълумотларига эга эканлигини англатади, аммо ходимларнинг ҳолатига таъсир қилиш учун етарли маблағ бўлмаслиги мумкин. Ходимлар бўлими хизматида ходимларни баҳолаш учун воситалар мавжуд, қисқа ва ўрта даврларга бўлинган кадрлар ҳолати ва кадрларга бўлган эҳтиёж прогноз қилинади.

4. Фаол кадрлар сиёсати корхонанинг кадрлар захирасини ривожлантириш бўйича батафсил ва асослантирилган прогнозлар, ходимларга таъсир кўрсатишнинг турли воситаларининг мавжудлиги билан тавсифланади. Кадрлар хизмати доимий равишда алоҳида кадрлар дастурларини ишлаб чиқади, вазиятни назорат қилади ва кадрлар захирасининг жорий ҳолатини мақсадларга мувофиқ равишда мослаштиради [14].

Кадрларга оид трансформацияда умумий мақсадга интилиш сиёсатининг элементлари бўлиб кадрлар сиёсатини ташкил этувчи чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Рақамли трансформациялаш (инглиз. digital transformation, DT ёки DX)- бу асосий технологик жараёнларни бошқариш тизимини оптималлаштириш билан бирга ташкилот томонидан рақамли технологияларни жорий этиш жараёни [15]. Рақамли трансформация савдо ва бизнес ўсишини тезлаштириш учун ёки соф тижорат бўлмаган

ташкilotларнинг (масалан, университетлар ва бошқа таълим муассасалари) самарадорлигини ошириш учун мўлжалланган. Ташкilotнинг рақамли ривожланишининг кўрсаткичи, унинг рақамли трансформацияси даражаси ва муваффақиятини тавсифловчи ташкilotнинг рақамли этуклик даражасидир [16].

"Рақамли трансформация" атамасининг асл маъноси аналогланган маълумотлар ўрнига рақамли маълумотларга ўтишни англатади. Ахборот технологиялари орқали ташкилий трансформацияга оид адабиётлар илгари рақамли трансформация бўйича тадқиқотларнинг илмий илдизларидан бири сифатида кўриб чиқилган.

Майкл Мортон [17] ўзининг "1990-йиллар корпорацияси: Ахборот технологиялари ва ташкилий ўзгаришлар" номли муҳим китобида ИТ технологияларини самарали жорий этиш учун компаниялар асосий ўзгаришлардан ўтиши керак, бунда биринчи навбатда рақамли технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади.

ИТ луғатига кўра, рақамли трансформация бизнес моделини ўзгартириш ва даромад олиш ва қиймат яратиш учун янги имкониятларни тақдим этиш учун рақамли технологиялардан фойдаланишдир. Дарҳақиқат, рақамлаштириш ва рақамли трансформация бир-бири билан боғлиқ, аммо улар концептуал даражада фарқланиши керак. Ушбу атамалар рақамли технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ. Рақамлаштириш натижаларидан рақамлаштириш ва рақамли трансформация жараёнида фойдаланиш мумкин. Г. Груман [18] рақамли трансформацияни "бизнеснинг барча жабҳаларига тубдан таъсир қилиш учун рақамли технологияларни қўллаш" деб таърифлайди.

Россиялик олимлар И.М.Зайченко [19] ва бошқаларнинг фикрича, "бизнеснинг рақамли трансформацияси - бу корхона фаолиятига тегишли ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга асосланган корхона бошқарувининг анъанавий тизимидан инновацион тизимга ўтиш, бизнесни ва ёки уни ўзгартиришга қаратилган. замонавий жамиятда рақобатдош устунликларни қўлга киритиш ва ёки сақлаб қолиш учун рақамли шаклга ўтиш.

Корхонада рақамли трансформацияни амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири бу кучли ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) секторининг мавжудлигидир. АКТ соҳасининг ривожланиши, албатта, иқтисодиёт тармоқларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Юқори технологияли инновацион ишланмалар иқтисодиётнинг турли соҳаларида товар ва хизматлар бозорини кенгайтириш ва ривожлантиришга ёрдам беради.

Рақамли трансформация - бу sanoat корхоналари ўз тадбиркорлик фаолиятида белгиланган йўл харитаси бўйича барча соҳаларни интеграциялаш учун асосий омил бўлиб, мижозлар учун ўз хизматларининг салоҳиятини кескин ўзгартиради. Корхоналар ўзгарувчан мижозлар талабларига яхшироқ мослашадиган маданий ва операцион ўзгаришларни амалга ошириш учун инновацион рақамли технологияларни ўзлаштирмоқда. Рақамли трансформациянинг sanoat корхоналаридаги кўриншилари:

- корхонанинг мобил иловалар ёки электрон тижорат платформаси каби рақамли ечимларни яратишни бошлайдилар.
- корхоналар маҳаллий ҳисоблаш инфратузилмасидан булутли ҳисоблашга ўтмоқда.

Шу билан бирга, улар операцион харажатларни камайтириш учун ақлли датчикларни жорий қилмоқдалар.

ESG-трансформация. Авваламбор, ESG (ингл. Environmental, Social, and Governance – экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув омиллари) – бу sanoat корхонаси фаолиятининг стандартлари бўлиб, улар корхонанинг ҳар кунлик фаолиятида барқарор ривожланишини қуйидаги мезонлар (омиллар) бўйича белгилайди:

- **экологик мезонлар** (E – ингл. environmental) корхонанинг атроф-муҳитга нисбатан қанчалик эътиборли бўлишини белгилайди. Бунга, масалан, иссиқхона газларини чиқиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва табиий ресурслардан фойдаланиш, экологик қонунларга риоя қилиш каби масалалар киради;


- **ижтимоий мезонлар** (S – ингл. social) корхонанинг ходимларига, мижозларга, етказиб берувчиларга ва ҳамкорларга муносабатини акс эттиради. Бунга, масалан, ходимларнинг саломатлиги ва хавфсизлиги, болалар ва вояга етмаганлар меҳнатидан фойдаланиш, ходимларнинг касбий ривожланиши, инсон ҳуқуқларига риоя этиш, товар сифати нуқтаи назаридан мижозлар олдидаги масъулияти каби масалалар киради;

- **корпоратив бошқарув мезонлари** (G – ингл. governance) корхонинг раҳбариятни самарадорлиги, акциядорларнинг ҳуқуқлари, аудитнинг сифати каби масалалар билан боғлиқ [20].

Бизнесни ESG-трансформация қилишнинг асосий мақсадларидан бири муҳим ўзгарувчиларни компания стратегияларига интеграция қилишдир. Бу фаолиятнинг ижтимоий таъсирини (шу жумладан ходимлар, жамият ва истеъмолчилар билан муносабатларни) ҳисобга олган ҳолда атроф-муҳитни бошқариш ва энергияни тежашнинг самарали тизимларини яратиш, бошқарув ва шаффофликнинг юқори стандартларини сақлашни ўз ичига олади. Ушбу жараён бир нечта асосий босқичларни ўз ичига олади. Биринчидан, компаниялар ўзларининг мавжуд ESG позитсияларини таҳлил қилишлари ва яхшилаш йўналишларини аниқлашлари керак. Шундан сўнг стратегияни ишлаб чиқиш, режалаштириш ва бошқаришда ESG омилларини ҳисобга олиш, шунингдек, мониторинг ва ҳисобот бериш механизмларини амалга ошириш зарур [21].

ESG-трансформацияси sanoat корхоналарининг тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш давомида экологияни бузилишига сабаб бўлаётган турли газлар чиқишини, атроф муҳитни ифлосланиш даражасини, табиий ресурслардан фойдаланишда экология қонунларига катъий амал қилишни, шунингдек корхона ходимларини, мижозларни ва хом ашё маҳсулотлари етказиб берувчилар ҳамда иқтисодий, молиявий ҳамкорларга бўлган муносабатни шунингдек корхона раҳбариятининг самарадорлигини ошириш механизмларини топиш, акциядорларнинг ҳуқуқларини ва аудиторларнинг олиб борган аудит текширувлари бўйича масалаларни ўрганиш билан боғлиқ.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида sanoat корхонасини трансформациялаш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олиши аниқланди (2-расм):



2-Расм. Саноат корхонасини трансформациялаш жараёни босқичлари

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1. Мавжуд вазиятни таҳлил қилиш. Ушбу босқичда корхонанинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, яъни бунда корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятларининг даражасини, белгиланган режанинг бажарилишини, кадрларнинг илмий ва интеллектуал салоҳиятини, ташкилотга коммунал манбаларнинг етказиб беришлигини, тўлов ликвидлигини қобилятини, ишчиларнинг қўнимсизлиги даражасини, хом ашё материалларнинг бир маромда етказиб берилиши таҳлил қилиш, унинг потенциал имкониятларини яъни, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги қувват манбаларининг даражаси, ишлаб чиқаришнинг энг юқори чўққисига олиб чиқиш даражаси, шунингдек ишлаб чиқаришнинг энг қўйи даражаси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат даражасини чуқур ўрганиш орқали мавжуд бўлган муаммоларини аниқлаш орқали уларнинг ечимлари ичидан энг оптимал вариантини ишлаб чиқиш ва жадаллик билан амалиётга татбиқ қилиш.

2. Трансформациялаш стратегияни ишлаб чиқиш. Ушбу босқичда трансформациялашнинг мақсадлари, яъни корхонада ишлаб чиқариш жараёнини замонавийлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг диверсификациясини амалга ошириш, муқобил электр энергия манбаларидан фойдаланиш, етук мутахассис кадрларни юқори меҳнатга ҳақ тўлаш шакли билан жалб қилиш, доимий ва ўзгармас маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан иқтисодий ва молиявий бизнес ҳамкорликни қатъий йўлга қўйиш йўналишларини белгилаш, шунингдек қўлланиладиган усул ва воситаларни белгиладиган ўзгаришларни амалга оширишда ривожланган узоқ ва яқин хорижий давлатларнинг тажрибаларидан фойдаланиш улар ушбу жараёнга ўтиш йўлида амалга оширган иқтисодий йўлларида келиб чиққан холда татбиқ этиш ва жадаллаштириш стратегияси ишлаб чиқилади.

3. Трансформациялаш жараёнларининг бошланиши. Ушбу босқичда корхонанинг тузилиши, маданияти, жараёнлари ва технологияларидаги ўзгаришларни ўз ичига олиши мумкин бўлган ўзгаришлардан иборат.

4. Трансформациялашни амалга ошириш. Ушбу босқичда олдинги босқичларда режалаштирилган жараёнлар тўлиқ амалга оширилади.

5. Мониторинг ва баҳолаш. Ушбу босқичда корхонада амалга оширилган трансформациялаш натижаларини мониторинг қилиш ва баҳолаш амалга оширилади.

6. Трансформациялаш жараёнларини қўллаб-қувватлаш. Ушбу босқичда корхонада амалга оширилган трансформациялаш жараёнларини янги ўзгарувчан ташқи муҳитда янада самарали ишлашни давом эттирилиши таъминланади.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридагилардан кўриш мумкинки, саноат корхоналарида трансформация жараёнларини амалга оширишни орқали иқтисодий ўсишни янада рағбатлантириш. Саноат корхоналарида трансформациялаш жараёнларини амалга оширишда, ҳар бир бўлим бўйича алохида-алохида трансформация жараёнларини татбиқ этиш ўзининг ижобий самарасини беради. Трансформация жараёнларини олиб бориш бўйича ишлаб чиқилган босқичларни амалда қўллаш янада самарадорликка эришишга асосий омил бўлиб хизмат қилади. Қўйида саноат корхонасида трансформация жараёнларини амалга ошириш учун энг биринчи қилиниши лозим бўлган тадбирларни таклиф этамиз:

1. Саноат корхоналарида трансформация жараёнларини амалга ошириш бўйича аниқ стратегияни ишлаб чиқиш ва уни жадаллик билан амалга ошириш бўйича зарурий молиявий ресурслар билан таъминлаш.

2. Корхона мутахассис кадрларини салоҳиятини ошириш ва актив иштирок этган кадрларни рағбатлантириб бориш.

3. Трансформациялаш жараёнини узлуксиз мониторинг қилиш юзасидан ишчи гуруҳ тузиш.

Умуман олганда, трансформациялаш жараёнларини амалга оширишни жадаллаштириш ишлаб чиқарувчилар орасидаги кучли рақобатга тайёрланишда муҳим омил бўлади. Шунингдек саноат корхоналарини трансформациялаш жараёнлари иқтисодиётнинг бошқа секторларини ҳам ўсишига имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (ПФ-6096-сон), Тошкент, 2020 йил 27 октябрь

2. Ибрагимов Ғ. Озиқ-овқат саноатини трансформациялаш асосида иқтисодий самарадорликни ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2022.

3. Ибрагимов Ғ. Озиқ-овқат саноатини трансформациялаш асосида иқтисодий самарадорликни ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2022.

4. Стеблякова Л.П. Трансформация экономических систем: теория и практика. Автореферат диссертации на соискании уч. степ. д.э.н. – Москва, 2010. – 54 с.

5. Багрецов Н.Д. Трансформация, эволюция и развитие системы “предприятие”. // Аграрный вестник урала. – 2011. - №6 (85). – С. 57-59.

6. Гуренкова О. В. Трансформационная структура и особенности экономической дифференциации российского общества // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2016. – Т. 41. – С. 78–83. – URL: <http://e-koncept.ru/2016/56922.htm>.

7. Табах А., Подругина А. Структурная трансформация: как будет меняться архитектура российского ВВП [Электрон ресурс]. – URL: https://raexpert.ru/researches/gdp_rus_2023/

8. Хузина Г.Г. Концепция и механизм трансформации структуры экономической системы // Финансы и кредит. – 2011, №11 (443). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kontsepsiya-i-mehanizm-transformatsii-struktury-ekonomicheskoy-sistemy>

9. Котова, В. В. К вопросу о трансформации собственности в современных условиях / В. В. Котова. — Текст : непосредственный // Актуальные вопросы экономики и управления : материалы I Междунар. науч. конф. (г. Москва, апрель 2011 г.). — Т. 1. — Москва: РИОР, 2011. — С. 12-14. — URL: <https://moluch.ru/conf/econ/archive/9/475>

10. Кокаева В.И., Орехова Л.Л., Трансформация форм собственности.// "Экономика и социум" №5(48) 2018.-С.577-580

11. Карпунина Е.К. Трансформация как способ развития экономической системы. Вестник ТГУ, выпуск 4 (96), 2011

12. Чаванс Б. Социализмдан эволюцион йўл // Вопросы экономики. 1999 йил. 6-сон.

13. Кириченко В. Иқтисодиётнинг бозор трансформацияси: назария ва тажриба // Россия иқтисодий журналы. 2000. № 11-12.

14. Шаталова Н. И. Консультирование в управлении человеческими ресурсами: ИНФРА-М, 2013. 221 с.

15. Mirzagayeva Sh., Aslanov H. The digitalization process: what has it led to, and what can we expect in the future? //“Metafizika” Journal 2022, vol 5, issue 4, serial 20, pp.10-21

16. Stolterman E.; Croon F. A. «Information Technology and the Good Life». Information systems research: relevant theory and informed practice. p. 689. .

17. Michael S., Morton S. The Corporation of the 1990s Information Technology and Organizational Transformation. – Oxford University Press, 1991

18. Gruman G. What digital transformation really means. InfoWorld. 2016. [Electronic resource].– URL:<http://www.infoworld.com/article/3080644/it-management/what-digitaltransformation-really-means.htm>

19. Зайченко И.М., Горшечникова П.Д., Лёвина А.И., Дубгорн А.С. Цифровая трансформация бизнеса: подходы и определение. // Научный журнал НИУ ИТМО. Серия Экономика и экологический менеджмент. – 2020. - №2

20. Ашуров З.А. Вопросы внедрения принципов CSR, ESG, SDG в деятельности предприятий с государственным участием.// Управление государственное, муниципальное и корпоративное: теория и лучшие практики. Материалы Восьмой Международной научно-практической конференции (10-11 ноября 2023 года). – Ростов-на-Дону: ФГБОУВО РГУПС, 2023. – С. 11-15.

21. Марченков С.А. ESG-трансформация бизнеса в современных экономических и социальных реалиях // Вестник науки. 2023. №10 (67). – С. 43-45. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/esg-transformatsiya-biznesa-v-sovremennyh-ekonomicheskikh-i-sotsialnyh-realiyah>